

**** Катъий нарх тарифи тўлови** (абонент тўлови) - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб хизмат ҳақи тегишли катъий белгиланган нархга асосан аниқланади. Бунда ой давомида миждозга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.

Миждоз буюртмасига асосан чекланган қатновлар сонидан ташқари ҳар бир қўшимча қатнов учун ҳақ ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб жадвалнинг 5-устунига мувофиқ аниқланади.

***** Қатнов тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархини ой давомида миждозга бориладиган чекланган қатновлар сонига мос равишда (жадвалнинг 6-устунида) кўпайтириши йўли билан аниқланади.

Барча тарифларда дам олиши (якшанба) ва байрам кунлари учун ҳақушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунига мувофиқ 2 баробар миқдорда ҳисобланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миждозга дам олиши (якшанба) ва байрам кунлари борилган қатновлар сонига кўпайтириши йўли билан аниқланади.

Шунингдек, бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миждозга борилган қўшимча қатновлар сонига кўпайтириши йўли билан аниқланади.

****** Бир ойлик чекланган қатновлар сони** - миждоз томонидан ой давомида инкассация орқали топшириладиган нақд пул миқдоридан келиб чиқиб бир ойлик чекланган қатновлар сони белгиланади.

3.2. Кўрсатилган инкассация хизмати учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҚҚС билан тўловининг _____ тарифида амалга оширилади.

(Танлаб олинган Тариф тури кўрсатилади)

3.3. Агар “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3.2. бандидаги танлаб олган тарифдан бошқа тарифга ўтмоқчи бўлса, у бу ҳақда “Инкассация хизмати”га кейинги ой бошланишидан 15 кун олдин ёзма равишда мувожаат қилади.

3.4. Бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади.

3.5. Дам олиши ва байрам кунлари кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунида кўрсатилган тарифнинг 2 баробари миқдорда ҳисоб-китоб қилинади ва тўланади.

3.6. “Буюртмачи” кейинги ой учун 15 фоиз миқдорида бўнак (аванс) пули тўлаб беради. Бўнак (аванс) пули ўтган ойда кўрсатилган инкассация хизмати ҳақининг 15 фоизи миқдорида ҳисобланиб, бўнак (аванс) пули кўрсатилган хизматлар учун тақдим этиладиган ҳисоб-фактурада акс эттирилади.

3.7. “Буюртмачи” “Инкассация хизмати” томонидан тақдим этилган тўлов талабномасини ва ҳисоб-фактурани олган кундан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига асосан Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган вақтда хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Инкассация хизмати”:

4.1.1. Нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (коп)лари бутсақланиши учун “Буюртмачи” олдидаги жавобгарлиги инкассаторлар пуллик инкассатор сумка (коп) ларини қабул қилиб олган вақтдан бошланиб, “Банк” вакилига топширилган пайтда тугайди.

4.1.2. Инкассатор сумкаси (коп) ва унга қўйилган пломба бут бўлган тақдирда “Инкассация хизмати” инкассатор сумкаси (копи) ичидаги пулнинг бутлиги учун “Буюртмачи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

4.1.3. “Инкассация хизмати” “Буюртмачи”нинг буюртмасини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун “Буюртмачи” томонидан “Инкассация хизмати”га ўтган ойда тўлаб берилган хизмат ҳақи суммасининг 0,4 фоизи ҳисобидан, аммо бир ойлик тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.2. “Буюртмачи”:

4.2.1. Кўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўланмагани учун “Буюртмачи”, “Инкассация хизмати” фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,4 фоизи ҳисобидан, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. “Банк”:

4.3.1. “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига инкассация хизмати орқали топширилган пул тушумини ўз вақтида тўлик ва тўғри ўтказилишига масъулдир.

4.3.2. Инкассатор сумка (коп)лари банк айби билан яроқсиз ҳолга келса ёки йўқотилган тақдирда банк “Буюртмачи”га инкассатор сумка (коп)лари қийматини коплаб беради.